



LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

LIMITED LIABILITY
COMPANY «TTT-AUDIT»
(JPA INTERNATIONAL)

5 office Yangiobod street, Fergana, Uzbekistan, 150100.

Tel. (91) 651 80 13 (0373) 241 64 48. (95) 400-80-13 Web sayt: ttt-audit.uz Email: tttaudit@mail.ru

The license AF № 00327 issued by Ministry of Finance from 2008.02.25.

АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Ижобий фикр билдирилган

Хулоса санаси. 30 март 2019 йил

“QO’QON YOG MOY» A/Ж
рахбариятига

Манзил: “QO’QON YOG MOY» АЖ. Кўкон ш Маворауннахр кўчаси 84 уй. АКВ Инвест Финансе банк Кўкон филиали. х/р 20208 000 800 228 347 001. МФО 01116. ИНН 200 918 299 ОКЭД 10410

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шаҳри Янгиобод 5 уй уй. ХАБ “TRAST BANK”. х/р 20208000100921886001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оконх 84400, тел 0(373) 2416448 email: tttaudit@mail.ru.) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан 25.02.2008 йилда берилган АФ № 00327-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335–реестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома) бош аудитори **Хожиакбаров С** томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05468 11.03.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект “QO’QON YO’G MOY» акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг “Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, “Хусусий капитал“ ва “Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисобот шаклларида иборат 2018 йил 01 январидан- 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “QO’QON YO’G MOY» акциядорлик жамияти томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган «**QO'QON YO'G MOY**» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Масъулияти чекланган «**ТТТ-AUDIT**»
аудиторлик ташкилоти бош директори
бош аудитор. САР

Бош аудитор:



М.Х Ботиров

С.Г Хожиақборов

*Аудитор малака сертификати № 05052
25.08.2017 йилда Молия Вазирлиги
томонидан берилган*